



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 5 » avgust

№ 430

Toshkent sh.

### **Республика истеъмолчиларини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Республика газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона техник сиёсатни самарали амалга ошириш, истеъмолчиларга табиий ва суюлтирилган газни етказиб бериш ва сотишда ахборот-коммуникация технологияларига асосланган замонавий бошқарув тизимини яратиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйган ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

“Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” инвестиция лойиҳаси доирасида **485,5 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобидан **3,1 миллион аҳоли** хонадонларига замонавий электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ҳамда **62 мингта улгуржи истеъмолчилар** объектларини модем алоқаси билан таъминлаш натижасида табиий газ назорати ва ҳисобини юритиш тизими тўлиқ автоматлаштирилганлиги;

тажриба-синов лойиҳаси сифатида Тошкент шаҳрининг Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида “Petro Fiorentini” (Италия) компаниясининг **4 та** замонавий газ тақсимлаш пункти ўрнатилиб, уларни масофадан бошқарувчи телеметрия тизимини ҳамда Тошкент вилоятининг Юқоричирчик туманида **154 та** аҳоли хонадонларига табиий газ босимини мословчи қурилмалар (стабилизатор) ўрнатилганлиги;

ер участкаларида жойлашган **617 мингдан зиёд** аҳоли хонадонларининг табиий газ таъминоти уч босқичли тизимдан икки босқичли тизимга ўтказилиши натижасида табиий газнинг технологик йўқотишлари ҳажмини **4,1 миллион куб метргача** қисқартирилганлиги;

2019-2021 йилларда суюлтирилган газ таъминоти тизимини модернизация қилиш ва рақамлаштириш орқали мавжуд **3,7 миллион аҳоли** хонадонларига суюлтирилган газ етказиб бериш даврийлиги 46-50 кундан 30-40 кунгача қисқартирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Табиий газ таъминоти тизимини модернизация қилиш ва янада ривожлантириш ҳамда мавжуд қувватлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида қуйидагилар:

а) “Худудгазтаъминот” АЖ:

**2022 йил октябрь ойида** республика худудларида ер участкаларида жойлашган ҳамда марказий иссиқлик таъминотига уланмаган кўп қаватли уйларда “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳаси тўлиқ жорий этилиши ва биллинг тизими тўлиқ ишга туширилиши;

жалб қилинаётган инвестиция маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида **Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида** марказлашган иссиқлик таъминотига уланган ҳамда табиий газ истеъмоли юқори бўлмаган **11,5 мингта кўп қаватли уйларда** электрон газ ҳисоблагичлар ушбу уйларнинг кириш қисмидаги умумий газ қувурларига ўрнатилиши;

истеъмолчиларга табиий газ етказиб беришни “**газ тақсимлаш станцияси – туман (шаҳар) чегараси – йирик участкаларнинг кириш қисми – истеъмолчи**” технологик занжири асосида туман (шаҳар)лар чегарасидаги қувурларга **1,8 мингта** электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш ва “онлайн” мониторинг қилиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизим ишга туширилишини таъминлансин.

Мазкур вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига “Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси **Б. Эшмуратовнинг шахсан маъул эканлиги белгилаб қўйилсин;**

б) “**2022-2024 йилларда газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш**” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга оширилиши ва унинг доирасида:

**706,5 мингта** хонадонда икки босқичли газ таъминоти тизимининг жорий этилиши ва истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ ҳажмлари балансини автоматик равишда шакллантирувчи дастурий таъминот ишга туширилиши;

**68,1 мингта** газ тақсимлаш пункти, **84,3 мингта** беркитувчи арматуралар, **7,7 мингта** қудуқлар, **2,1 мингта** электр ҳимоя қилиш қурилмалари, **397 та** бино ва иншоотларнинг электрон топографик харитаси ва атрибутив маълумотлари шакллантирилиши;

**381,3 км** янги газ қувурларини қуриш, **452,4 км** газ қувурларини мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, **5,4 мингта** газ тақсимлаш пунктларини модернизация қилиш, шундан **2,8 мингта** юқори босимли объектларда телеметрия тизимини жорий этиш ҳамда газ тақсимлаш станциясининг чиқиш қисми – газ тақсимлаш тармоқларининг бошланиш нуқтасига (бўлиниш чегарасига) юқори аниқликдаги газ ҳисоблагичлари ўрнатилиши;

газ тақсимлаш станцияларида ўрнатилган ва бўлиниш чегараларида ўрнатилиши режалаштирилган ҳисоблагичларни биргаликда назорат қилиш учун “Ўзтрансгаз” АЖ ҳамда “Худудгазтаъминот” АЖнинг автоматлаштирилган “онлайн” мониторинг тизимларига ўзаро интеграция қилиниши;

худудий газ таъминоти филиалларининг эҳтиёжлари учун **5 та** мобиль лаборатория, **500 та** электроскутер, **2 та** учувчисиз учиш аппарати (дрон), георадар ва масофавий газ детекторлари ва ер ости газ қувурларининг техник ҳолатини ва газ сизиб чиқишни аниқловчи **74 та** ускуна ҳамда **1 000 та** кўчма (портатив) газ анализатор харид қилинишини таъминлансин.

3. Энергетика вазирлиги “Худудгазтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 ноябрга қадар** лойиҳа қийматини оптималлаштирган ҳолда, молиялаштириш эҳтиёжи ва манбаларини ҳамда самарали техник-технологик ечимларни асослаш бўйича белгиланган тартибда лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

#### 4. Қуйидагилар:

**2022-2024 йилларда республика худудларидаги ер участкаларида жойлашган аҳоли хонадонларининг газ таъминоти тизимини икки босқичли тизимга ўтказишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;**

**2022 йилда “Худудгазтаъминот” АЖ тизимидаги газ тармоқларининг геоахборот тизимини жорий этиш бўйича қурилмаларнинг электрон топографик харитаси ва атрибутив маълумотларини шакллантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;**

**2022-2024 йилларда “Худудгазтаъминот” АЖнинг газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш чора-тадбирларининг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;**

**Газ таъминоти тизимидаги ходимларнинг хорижий давлатлар ихтисослашган компаниялари ва марказларида малакасини ошириш, халқаро IT сертификатига эга бўлган ходимларни тайёрлаш ҳамда корпоратив бошқарув кўникмаларини шакллантириш бўйича “йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

5. Газ таъминоти объектларини масофадан мониторинг қилиш, ноқонуний уланиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда техник кўрикдан ўтказиш имконияти чекланган газ тармоқларининг доимий асосда назоратини таъминлаш мақсадида “Худудгазтаъминот” АЖга республика худудига фуқаро авиациясида ишлатиладиган иккита учувчисиз учиш аппаратларини (дрон) олиб кириш ва улардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга рухсат берилсин. Бунда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасига доир қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ “Худудгазтаъминот” АЖнинг мурожаати асосида радиоэлектрон воситалар билан жиҳозланган учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш учун рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштирсин;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин “Худудгазтаъминот” АЖга учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида хулоса берилишини таъминласин;

Мудофаа вазирлиги “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш мониторингини ва суратга олинган материалларнинг белгиланган тартибда назорат текширувидан ўтказилишини ташкил этсин.

6. “Худудгазтаъминот” АЖ мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда истеъмолчиларни суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

**2022 йилда** – қўшимча вагон-цистерналарни жалб этиш орқали ташиш қувватлари **3,6 минг тоннагача** оширилишини, газ тўлдириш иншоотларига қўшимча **22 та** сиғим ўрнатилишини ҳамда суюлтирилган газнинг сифат таҳлилини ўтказадиган мустақил кимё лабораторияси жалб қилиниши;

**2022-2024 йилларда** – суюлтирилган газнинг ойлик фонди босқичма-босқич ўртача **56,0 минг тоннага** етказилишини, газ таъминоти филиалларига қўшимча **69 минг та** маиший газ баллонларини етказиб бериш ҳамда ташиш учун **31 та** “Isuzu” автотранспорт воситаларини жалб этиш орқали маиший газ баллонларини ташиш қувватлари ойига **ўртача 1,9 минг тоннага** оширилишини таъминласин.

#### 7. Энергетика вазирлиги:

**бир ой муддатда** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва “Худудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда аҳолининг ҳаёти, мол-мулки, газ таъминоти ташкилотлари объектларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 5-иловада келтирилган газ қувурлари ва қурилмаларининг белгиланган муҳофаза ҳудудларида жойлашган **2 875 та объектни** (бино ва иншоотлар, томорқа ер участкалари, интенсив боғлар, иссиқхоналар ва бошқалар) ҳамда ноқонуний қурилмаларни белгиланган тартибда хавфсиз ҳудудларга кўчириш бўйича ҳар бир вилоят кесимида биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режасини (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**ҳар чорак якунида** – чора-тадбирлар режасини амалга ошириш натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

8. “Худудгазтаъминот” АЖ Давлат солиқ кўмитаси, билан биргаликда ҳар ой якуни бўйича республиканинг табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими тўлиқ жорий этилган худудларни тизимли ўрганишни йўлга қўйсин ҳамда газ ҳажмлари бўйича тафовут юқори бўлган худудлар рўйхатини шакллантирсин.

Шакллантирилган рўйхат асосида Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, “Ўзнефтгазинспекция” ва “Худудгазтаъминот” АЖ билан ҳамкорликда табиий газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва улардан фойдаланиш, талон-тарожликка йўл қўйиш, газ ҳисоблагичларга қасддан шикаст етказиш ёки ташқи таъсир кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш бўйича жойларда ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилсин ва айбдорларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чоралар кўрилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 2-4 бандларида белгиланган устувор вазифалар ва чора-тадбирлар “Худудгазтаъминот” АЖнинг ўз маблағлари ҳамда лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши асосида маҳаллий ва халқаро молия институтларининг кредитлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Энергетика вазирлиги ва “Худудгазтаъминот” АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2023 йил 1 январга қадар** республика худудларидаги **коммунал ва маиший (юримдик) истеъмолчиларни уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан** масофадан онлайн режимда автоматик тарзда ўчириб-ёқиш ҳамда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимига уланиш имкониятига эга бўлган электрон газ ҳисоблагичлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Бунда “Худудгазтаъминот” АЖ ўз маблағлари ҳисобидан барча истеъмолчиларнинг электрон газ ҳисоблагичларини табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимига улаш учун мобиль алоқага уланиш карталари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари А.И. Аҳмедҳаджаев ва “Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси Б.Б. Эшмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил " 5 " августдаги 430 - сон қарорига  
1-илова

**2022-2024 йилларда республика ҳудудларидаги ер участкаларида жойлашган аҳоли хонадонларининг газ таъминоти тизимини икки босқичли тизимга ўтказишнинг мақсадли кўрсаткичлари**

Т/р	Ҳудудлар номи	Табий газ билан газлашган ҳовли уйлар жами	шундан:		2022-2024 йилларда 2 босқичли газ таъминоти тизимига ўтказиладиган хонадонлар сони	шундан:		
			2 босқичли газ таъминоти тизимига ўтказилган хонадонлар сони	2 босқичли газ таъминоти тизимига ўтказилган хонадонлар сони		2022 йил	2023 йил	2024 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	206 885	50 653	7 983	52 839	26 420	22 897	3 523
2	Андижон вилояти	177 404	7 983	39 478	80 805	40 403	35 016	5 387
3	Бухоро вилояти	220 589	39 478	25 813	80 745	40 373	34 990	5 383
4	Жиззах вилояти	114 721	25 813	23 927	35 334	17 667	15 311	2 356
5	Қашқадарё вилояти	114 646	23 927	63 981	40 842	20 421	17 698	2 723
6	Навоий вилояти	83 187	63 981	75 339	-	-	-	-
7	Наманган вилояти	130 417	75 339	33 844	-	-	-	-
8	Самарқанд вилояти	220 299	33 844	29 685	76 344	38 172	33 082	5 090
9	Сурхондарё вилояти	85 804	29 685	31 623	13 508	6 754	5 853	901
10	Сирдарё вилояти	80 711	31 623	173 108	8 961	4 481	3 883	597
11	Тошкент вилояти	448 621	173 108	27 583	61 432	30 716	26 621	4 095
12	Фарғона вилояти	197 348	27 583	30 001	72 907	36 454	31 593	4 860
13	Хоразм вилояти	196 257	30 001	4 021	69 235	34 618	30 002	4 616
14	Тошкент шаҳри	178 287	4 021	617 039	113 591	56 796	49 223	7 573
<b>Жами:</b>		<b>2 455 176</b>	<b>617 039</b>	<b>706 543</b>	<b>353 272</b>	<b>306 169</b>	<b>47 103</b>	

2022 йилда "Худудгазтаъминот" АЖ тизимидаги газ тармоқларининг геохаборот тизимини жорий этиш бўйича қурилмаларнинг электрон топографик харитаси ва атрибутив маълумотларини шакллантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Худудлар номи	Газ таъминоти тизимидаги газ қурилмалари						Топохаритаси шакллантирилган газ қурилмалари						2022 йил прогноз кўрсаткичлари					
		Газ тақсимлаш пунктлари сони	Арматуралар сони	Қудуқлар сони	Электр-кимё химия қилиш қурилмалари сони	Био ва иншоотлар сони	Газ тақсимлаш пунктлари сони	Арматуралар сони	Қудуқлар сони	Электр-кимё химия қилиш қурилмалари сони	Био ва иншоотлар сони	Газ тақсимлаш пунктлари сони	Арматуралар сони	Қудуқлар сони	Электр-кимё химия қилиш қурилмалари сони	Био ва иншоотлар сони			
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4 677	7 166	140	153	33	4 677	4 785	100	53	33	450	2 381	40	100	-			
2	Андижон вилояти	2 842	3 733	107	112	21	2 842	3 733	107	112	21	-	-	-	-	-			
3	Бухоро вилояти	6 731	4 128	95	178	16	4 132	2 682	95	127	16	3 049	1 446	-	51	-			
4	Жиззах вилояти	5 008	1 354	114	44	27	5 008	1 354	114	44	27	-	-	-	-	-			
5	Қашқадарё вилояти	4 783	2 192	206	82	70	4 783	2 192	206	82	70	-	-	-	-	-			
6	Навоий вилояти	2 687	7 779	590	6	21	2 687	7 779	590	6	21	-	-	-	-	-			
7	Наманган вилояти	1 554	560	257	52	18	1 554	560	257	52	18	-	-	-	-	-			
8	Самарқанд вилояти	8 148	1 320	477	227	27	3 625	1 320	477	127	27	4 740	-	-	100	-			
9	Сурхондарё вилояти	1 855	4 951	16	54	38	1 855	4 951	16	54	38	-	-	-	-	-			
10	Сўрдарё вилояти	1 504	2 234	26	-	24	1 504	2 234	26	-	24	-	-	-	-	-			
11	Тошкент вилояти	9 034	18 727	2 047	415	32	6 279	4 208	1 180	125	32	3 791	14 519	867	290	-			
12	Фарғона вилояти	8 505	10 298	992	332	27	2 721	2 044	570	112	27	5 696	8 254	422	220	-			
13	Хоразм вилояти	7 797	8 793	164	265	28	6 636	4 593	164	265	28	1 497	4 200	-	-	-			
14	Тошкент шаҳри	3 010	11 042	2 500	196	15	1 093	894	786	-	-	1 754	10 148	1 714	196	15			
	<b>Жами:</b>	<b>68 135</b>	<b>84 277</b>	<b>7 731</b>	<b>2 116</b>	<b>397</b>	<b>49 396</b>	<b>43 329</b>	<b>4 688</b>	<b>1 159</b>	<b>382</b>	<b>18 739</b>	<b>40 948</b>	<b>3 043</b>	<b>957</b>	<b>15</b>			

(дона)



2022-2024 йилларда "Худудга таъминот" АЖнинг газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш  
чора-тадбирларининг мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Худудлар номи	Газ қувурларини мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш (км)				2022 йилда янги газ қувурларини қуриш (км)				Электр-қиммат хомия қилиш қурилмаларини таъмирлаш ва ўрнатish (донга)				Фойдаланишда бўлган газ тақсимлаш пунктларини техник қўриқдан (гафтиш) ўтказиш (донга)				шундан:									
		2022 йил		2023 йил		2024 йил		2022 йил		2023 йил		2024 йил		2022 йил		2023 йил		2024 йил		Жами		2022 йил		2023 йил		2024 йил	
		Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Жами	2022 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	12,2	4,0	4,0	4,1	58,3	22	5	8	9	4 677	4 510	4 040	312	27	130	155	269	27	100	142	269	27	100	142		
2	Андижон вилояти	27,7	9,1	9,2	9,4	24,3	17	4	7	6	2 842	2 585	2 270	439	16	200	223	158	16	70	72	158	16	70	72		
3	Бухоро вилояти	54,4	17,9	18,1	18,4	85,1	21	8	6	7	6 731	5 109	3 160	212	5	100	107	49	5	15	29	49	5	15	29		
4	Жиззах вилояти	46,5	15,3	15,5	15,8	27,7	21	8	8	5	5 008	4 309	3 457	91	8	41	42	86	8	36	42	86	8	36	42		
5	Қашқадарё вилояти	26,1	8,6	8,7	8,9	14,6	15	4	5	6	4 783	4 895	4 797	251	15	100	136	170	15	70	85	170	15	70	85		
6	Навоий вилояти	31,0	10,2	10,3	10,5	16,5	21	7	8	6	2 687	2 847	2 569	241	15	100	126	192	15	80	97	192	15	80	97		
7	Наманган вилояти	15,2	5,0	5,1	5,2	8,0	19	8	5	6	1 554	1 992	1 876	473	3	200	270	26	3	17	26	3	6	17			
8	Самарқанд вилояти	37,7	12,4	12,5	12,8	16,0	17	1	8	8	8 148	7 665	6 955	806	50	350	406	661	50	250	361	661	50	250	361		
9	Сурхондарё вилояти	16,7	5,5	5,6	5,7	41,9	22	11	5	6	1 855	1 712	1 512	114	8	53	53	100	8	40	52	100	8	40	52		
10	Сирдарё вилояти	31,6	10,4	10,5	10,7	28,2	16	3	6	7	1 504	1 640	1 589	207	10	80	117	161	10	55	96	161	10	55	96		
11	Тошкент вилояти	57,5	18,9	19,1	19,5	15,8	63	20	21	22	9 034	8 751	7 451	901	20	420	461	208	20	85	103	208	20	85	103		
12	Фарғона вилояти	12,5	4,1	4,1	4,2	32,1	20	7	6	7	8 505	7 550	6 761	717	15	320	382	175	15	80	80	175	15	80	80		
13	Хоразм вилояти	33,1	10,9	11,0	11,2	7,8	18	7	5	6	7 797	9 523	8 812	546	30	250	266	397	30	120	247	397	30	120	247		
14	Тошкент шаҳри	50,2	16,5	16,7	17,0	5,0	48	15	16	17	3 010	2 801	2 750	124	8	52	64	124	8	44	72	124	8	44	72		
	<b>Жами</b>	<b>452,4</b>	<b>148,8</b>	<b>150,3</b>	<b>153,3</b>	<b>381,3</b>	<b>340</b>	<b>108</b>	<b>114</b>	<b>118</b>	<b>68 135</b>	<b>65 889</b>	<b>57 999</b>	<b>5 434</b>	<b>230</b>	<b>2 396</b>	<b>2 808</b>	<b>2 776</b>	<b>230</b>	<b>1 051</b>	<b>1 495</b>	<b>2 776</b>	<b>230</b>	<b>1 051</b>	<b>1 495</b>		

Изоҳ: Мақсадли кўрсаткичларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар лойиҳа-смета ҳужжатларида асосан ўзгариши мумкин.



**Газ таъминоти тизимидаги ходимларнинг хорижий давлатлар ихтисослашган компаниялари  
ва марказларида малакасини ошириш, халқаро IT сертификатига эга бўлган ходимларни тайёрлаш ҳамда  
корпоратив бошқарув кўникмаларини шакллантириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Маъсул ижрочи	Кутилаётган натижа
1.	“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида тизимда халқаро IT-сертификатга эга ходимлар улушини ошириш, жумладан Cisco, Coursera, Huawei, Microsoft va IBM каби нуфузли ташиқлогларда малака ошириш курсларини ташкиллаштириш.	1. “IT-ParK” ўқув маркази билан халқаро IT-сертификатлари бўйича ўқув шартномаларини имзолаш; 2. Ахборот коммуникация йўналишида кўрсагаётган фаолият ходимларнинг билим ва малакаларини оширилишини таъминлаш.	2022 йил сентябрь Доимий	“Худудгазтаъминоғ” АЖ (Эшмурагов), “IT-ParK” дирекцияси (Ибрагимов)	Халқаро IT-сертификатга эга ходимлар улуши 10 фоизга (15 та ходим) оширилади.
2.	Соҳа ходимларининг малака ва кўникмасини ошириб, халқаро стандартлар бўйича ўқувини ташкил этиш учун “Hududgaz Konsalting” МЧЖ қошида замонавий ва илғор технологияларга асосланган “HGT Training center” ўқув марказини ташкил этиш.	1. Ўқув марказ устави, штат жадвали ҳамда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2. Ўқув марказини педагогик маҳоратга эга малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш; 3. Касбий малака стандартлари доирасида ходимларни малака ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича даврий ўқув режаларини ишлаб чиқиш ҳамда ижросини таъминлаш.	2022 йил октябрь 2022 йил декабрь Доимий	“Худудгазтаъминоғ” АЖ (Эшмурагов)	Тизим ходимлари малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда салоҳиятли кадрларни тарбилаш учун замин яратилади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Маъсул ижрочи	Кутилаётган натижа
3.	Иқтидорли ёш ва малакали мутахассисларни соҳа бўйича маҳаллий ва хорижий компанияларда малакасини ошириш, шунингдек семинар ва халқаро тадбирларда иштирокини таъминлаш.	<p>1. Ходимлар малакасини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштириш мақсадида, мутахассисларни, биринчи навбатда ёш истиқболли кадрларни аниқлаш.</p> <p>2. Мутахассислар малакасини ошириш чора-тадбирларини ва режа-жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.</p> <p>3. Италия республикасининг илғор компанияларида “Худудгазтаъминот” АЖ мутахассислари учун хорижий стажировка ҳамда онлайн семинар-тренинглар ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>Ҳар йили 15 январга қадар</p> <p>Доимий</p>	“Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмурагов)	Соҳада ўсиб келаётган ёш авлодни малакали профессионал руҳда шакллантирилиб, тизимда рақобатбардош кадрлар тайёрланади.
4.	Соҳада рақамлаштириш жараёнларини янги босқичларга олиб чиқиш, истеъмолчиларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мулоқот маданиятини ошириш.	<p>1. Истеъмолчиларга техник хизмат курсатувчи йўналиш ходимлари ҳамда “Call centre” операторлари фаолиятини янада ривожлантириш, амалга оширилган хизмат даражасини баҳолашда “Call back” услубини жорий этиш.</p> <p>2. Хизматлар сифати ва ундан фойдаланишда тезкорликни ошириш мақсадида мобиль илова функцияларини янада соддалаштириш.</p> <p>3. Истеъмолчиларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мулоқот маданиятини ошириш курсларини ташкиллаштириш.</p>	<p>2022 йил декабрь</p> <p>2022 йил декабрь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	“Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмурагов)	Тизим шаффофлигини ошириш, инсон омилини пасайтирган ҳолда коррупция хавфини олдини олиш орқали истеъмолчиларга қўшимча қулайликлар яратилади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Маъсул ижрочи	Кутилаётган натижа
5.	Ходимларни рағбатлантириш даражасини янада ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг тегишли тизимини жорий этиш.	Соҳанинг малакали ходимларини рағбатлантириш, шу жумладан илмий унвон, IELTS ҳалқаро баҳолаш тизимида камида 6 балл натижага эришган ҳамда мутахассислиги бўйича ҳалқаро сертификатларга эга бўлган ходимларига нисбатан жорий этиш чораларини кўриш.	2022 йил сентябрдан бошлаб	“Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов)	Тизим ходимларининг соҳа ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги оширилади ва кадрлар кўнимсизлигини олдини олишга эришилади.
6.	Соҳа мутахассисларини корпоратив бошқариш кўникмалари бўйича ўқитиш.	Тизимда фаолият юритаётган раҳбар ходимлар учун замонавий корпоратив бошқарув услублари бўйича ишлаб чиқариш, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган семинар-тренинглар ташкил этиш.	2022 йил сентябрь – декабрь кейинчалик доимий	“Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов)	Тизимда корпоратив ҳамда техник маданиятни ошириш, жумладан меҳнат ҳамда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш таъминланади.
7.	Жамиятда фаолият юритаётган ўрта-махсус маълумотга эга ходимларни тавсиянома асосида олий таълим муассасаларида ўқишларини ташкил этишни таъминлаш.	Соҳада беш йил иш стажига эга иктидорли ва билимга чанқоқ истиқболли мутахассислар рўйхатини шакллантириш ҳамда келусида уларни бакалавр даражасини эгаллашлари учун тизим ташкилотларида педагогик маҳоратга эга бакалавр, магистр мутахассислар етакчилигида олий таълим муассасаларига кириш имтихонларига тайёрлов ўқув жараёнларини ташкил этиш.	Ҳар йили июль-август ойларида	“Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмуратов)	Тизимда олий маълумотли ходимлар камровини ошириш ва жамоавий интеллектни шакллантиришга эришилади.

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддаг	Маъсул ижрочи	Кутилаётган натижа
8.	Тизимда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш.	<p>1. Тизимда коррупцияга қарши мурасасиз курашиш, уни олдини олиш ва ҳар бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатга жазо муқаррарлиги юзасидан ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари билан учрашувлар ва тушунтириш ишларини ташкиллаштириш.</p> <p>2. ISO 37001:2016 коррупцияга қарши бошқарув тизими доирасида ўқув семинарлари ташкил этиш.</p> <p>3. Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлари орқали ҳар қандай кўринишдаги коррупцион ҳолатларига мурасасиз курашиш доирасида мақола ва видео-роликлар эълон қилиб бориш.</p>	2022 йил давомида, кейинчалик доимий асосда	“Худудгазтаъминоғ” АЖ (Эшмуратов)	“Худудгазтаъминоғ” АЖни коррупциядан холи ташкилотга айлантиришга эришилади.

Республика бўйича газ қувурлари ва қурилмаларнинг белгиланган муҳофаза ҳудудларида жойлашган турар ва нотурар объектлари тўғрисида  
 МАЪЛУМОТ

Т/р	Худудлар номи	Газ қувурлари ва қурилмаларнинг муҳофаза ҳудудида жойлашган жами объектлар сони	шундан:						
			турар жой		нотурар жой		сон	мавжуд эмас (сон)	
			сон	мавжуд (сон)	объект учун ҳужжати мавжудлиги	мавжуд эмас (сон)			объект учун ҳужжати мавжудлиги
1	Қорақалпоғистон Республикаси	-	-	-	-	-	-	-	-
2	Андижон вилояти	226	-	200	200	26	3	23	23
3	Бухоро вилояти	288	-	219	219	69	-	69	69
4	Жиззах вилояти	162	33	55	55	74	5	69	69
5	Қашқадарё вилояти	180	62	32	32	86	76	10	10
6	Навойй вилояти	149	-	87	87	62	-	62	62
7	Наманган вилояти	264	29	181	181	54	5	49	49
8	Самарқанд вилояти	394	324	-	-	70	70	-	-
9	Сурхондарё вилояти	31	-	10	10	21	21	-	-
10	Сирдарё вилояти	51	15	16	16	20	9	11	11
11	Тошкент вилояти	484	367	33	33	84	80	4	4
12	Фарғона вилояти	179	-	150	150	29	-	29	29
13	Хоразм вилояти	64	-	46	46	18	-	18	18
14	Тошкент шаҳри	403	134	-	-	269	269	-	-
	Жами	2 875	1 993	964	1 029	882	538	344	344

